

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.58.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

АЗИМОВА ЗИЁДА ЭРҒАШЕВНА

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИ ИНТЕГРАЛ ДИАГНОСТИК
АСОСДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Олий таълим муассасалари мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2018 йил

Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление (DSc) автореферата докторской диссертации

Content of abstract of doctoral dissertation

Азимова Зиёда Эргашевна

Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда
такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида) 3

Азимова Зиёда Эргашевна

Совершенствование системы воспитательной работы на основе
интегральной диагностики (на примере высших образовательных
учреждений) 33

Azimova Ziyoda Ergashevna

Improvement of the educational work system on the integrated diagnostic
basis(in the examole of higher education institutions) 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.58.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

АЗИМОВА ЗИЁДА ЭРҒАШЕВНА

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИ ИНТЕГРАЛ ДИАГНОСТИК
АСОСДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Олий таълим муассасалари мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Ped41 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек ва рус) илмий-кенгаш веб-саҳифасининг www.ndpi.uz ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Тайлаков Норбек Исакулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Утебаев Тажибай Тилеумуратович
педагогика фанлари доктори

Раҳимов Бахтиёр Худайбердиевич
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.58.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй., Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 226-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.К.Оразимбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,проф.

И.Қ.Пирниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,доц

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари олий педагогик моделлари концептуал нуқтаи назардан мақсад ва вазифалари фарқли бўлиб, бу ҳар бир давлатда мавжуд тарихий шарт-шароитлар ҳамда истиқболдаги мақсадлар, миллий ва маданий турмуш тарзидаги хусусиятлар билан белгиланади. Инсониятнинг маънавий ривожланишида ҳозирги босқичда фуқароларни, хусусан талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг аҳамияти тобора ошмоқда.

Жаҳонда тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, талаба ёшларда ҳаётий зарур ижтимоий малакаларни шакллантириш, талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг кўмакчи компьютерли тизими ва виртуал таълим технологияларини ишлаб чиқиш, талабаларни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятида самарали натижаларга эришилмоқда. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда бугунги кунда олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, унинг услубий таъминотини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ёшларни маънавий-маърифий юксалтириш»¹ йўналиши белгиланиб, бу борада талабаларининг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни маънавий-маърифий юксалтиришга қаратилган фаолиятда ёшларнинг онгли фаоллашув билан боғлиқ кузатилган муаммолар талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантириш механизминини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, талабалар жамоасида маънавий муҳит даражасини белгиловчи интеграл педагогик кўрсаткичлар таркибинини аниқлаштириш, маънавий-ахлоқий муносабатларнинг намоён бўлиш даражаларини баҳолаш имконини берувчи социометрик шкалалар ва интеграл диагностик параметрларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади. Бундай ёндашув маънавий-маърифий ишларни сифат ва самарадорлик жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши билан мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги» ПҚ–2909-сонли қарори, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ–3160-сонли қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Интеграл диагностикани тарбия амалиётига жорий қилиш, маърифий тарғибот ишлари назарияси, методикаси, технологиялари, олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, ёшларда жамият учун зарур ижтимоий малакаларни, фазилатларни шакллантириш, хулқ-атвор, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш бўйича жаҳоннинг Canadian Centre for Policy Alternatives (Канада), Чунанг университети (Жанубий Корея), Мияги университети (Япония), Chiefly Research Centre (АҚШ), Shalem Centre (Исроил), Тошкент давлат педагогика университети, Республика Маънавият маркази (Ўзбекистон) тадқиқотлар олиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: талаба ёшларнинг фуқаролик маданиятини ошириш технологияси ишлаб чиқилган (Centre for Policy Alternatives (Канада)); талаба маънавиятини ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари ишлаб чиқилган (Чунанг университети (Жанубий Корея)); намунавий фуқаронинг хулқ-атвор меъёрларини ўргатиш технологиялари, талабалар маънавиятини шакллантиришни нейролингвистик дастурлаштириш технологиялари ишлаб чиқилган (Мияги педагогика университети), таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус тренинг методикалари мажмуи яратилган (Chiefly Research Centre); давлатнинг суверенитети, барқарорлиги,

² Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди. Charles Lister. The Free Syrian Army: A decentralized insurgent brand. The Brookings Project on U.S. Relations with the Islamic World. Analysis Paper | No. 26, November 2016. Darrell M. West. Megachange.Economic Disruption, Political Upheaval, and Social Strife in the 21st Century. Brookings Institution Press, October 18, 2016. Martha Crenshaw, Gary LaFree. Countering Terrorism.Brookings Institution Press, 2016.Bruce Hoffman. Inside Terrorism. Revised and Expanded Edition. Columbia University Press. 2006. 227-285.Seth G. Jones. Hunting in the Shadows. The Pursuit of Al Qa'ida Since 9/11. W. W. Norton & Company, Inc. 2012. 300-305.Seth G. Jones.Waging Insurgent Warfare. Lessons From the Vietcong to the Islamic State. Oxford University Press. 2016. 333-347.Yonah Jermy Bob. Security expert: Pressure social media to block terrorist incitement. The Jerusalem Post. November 17, 2016. Gabi Sibon. Confronting Spontaneous Terrorist Attacks INSS Insight.No. 667, February 24, 2015.Gabi Siboni.The Impact of Cyberspace on Asymmetric Conflict in the Middle East.The Georgetown Journal of International Affairs. April 29, 2015.Carnegie Council on Adolescent Development. Great transitions: Preparing adolescents for a new century. New York: Carnegie Council of New York.Patterson G.R., DeBaryshe B.D., Ramsey E. A developmental perspective on antisocial behavior.AmericanPsychologist. 44, 329-335.

яхлитлигини жамиятнинг миллий кадриятларига таянган ҳолда сақлаб қолишга қаратилган концепцияси ишлаб чиқилган (Shalem Centre), юксак маънавийли шахсни шакллантириш тарбия технологияси ишлаб чиқилган (Тошкент давлат педагогика университети), ёшларда аждодларимиз мероси асосида соғлом диний эътиқодни шакллантириш самарадорлигини ошириш, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасида мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш технологиялари ишлаб чиқилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази).

Дунёда талабалар тарбиясини такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: олий таълим тизимида тарбиявий фаолиятнинг натижадорлигини аниқ индикаторларда қайд қилиш орқали салбий тенденцияларни аниқлаш, бартараф этиш ва самарадорлигини ошириш; тарбиявий жараёнларда нейролингвистик дастурлаштириш технологияларини такомиллаштириш; талабаларда маънавий маданиятни шакллантириш; талабалар маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш; талабалар орасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини педагогик технологиялар асосида ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талаба-ёшлар тарбияси назарий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ғоявий, социологик жиҳатлари М.Липман, А.Азизхўжаев, Ў.Алеёв, А.С.Ачилдиев, М.Бекмуродов, М.Жакбаров, М.Қаҳҳорова, Г.Ж.Туленова, М.Қурононов, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, З.Қосимова, Қ.Куранбоев, Г.И.Махмутова, Б.Ходжаев, Т.Ўтебаевлар³ томонидан тадқиқ қилинган.

Талаба ёшлар тарбияси, ёшларнинг гуруҳдаги шахслараро муносабатлар диагностикаси ва тарбиянинг педагогик, психологик жиҳатлари Н.Вроун, S.Kagan, Ю.К. Александров, С.Г.Кара-Мурза, А.А.Зиновьев, С.А.Зелинский, С.Л. Рубинштейн, А.Маслоу, А.А.Леонтьев, М.Г.Давлетшин, Э.Г.Гозиев, В.Каримова, Р.И.Суннатов, Н.С.Сафаев, А.А.Реан, Я.Л.Коломинский, О.И.Петрич, Б.Р.Адизов, У.Ш.Бегимкулов, О.Р.Жамолдинова, С.Йўлдошева, К.Ю. Қиличева, С.Нишонова, Б.Х.Рахимов, Д.Рўзиева, З.Салиева, Ж.Тошматова, Н.М.Эгамбердиева, Н.Ш.Эркабоева, Ш.С.Шодмонова, Ш.С.Шарипов, Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева, М.Б.Уразовалар⁴ томонидан ўрганилган.

³Lipman Matyew. Philosophy goes to school. – Philadelphia: Temple University Press, 1998. – 140 p.; Matyew Gareth. Philosophy and the young child. – Cambridge: Harvard Temple University Press, 1998. – 210 p. Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б. /Алеёв Ў, Ўтебаев Т. Қарақалпақстанда педагогика илимининг қелиплесиёи ҳам раўажланыёи. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2007. – 128 б., Ачилдиев А.С. Проблема взаимодействия национального самосознания и национальной культуры: Автореф...канд.филос.наук. – Т., 1994. – 22 с. / Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. –Т.: КО'НИ-NUR, 2011. – 95 б.Жакбаров М. Комил инсон ғояси. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – 32 б. Қаҳҳорова М. Мафкуравий мухит ва ахлоқ. –Тошкент: Фан, 2009. –100б.Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаолигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 317 б.

⁴ Brown, H., & Ciuffetelli, D.C. (Eds.). Foundational methods: Understanding teaching and learning, p. 507. Toronto: Pearson Education, 2009; Kagan,S. Cooperative learning. 2nd ed. San Clemente, CA:Kagan Publishing, 1994; Александров Ю. К. Очерки криминальной субкультуры. — М.: Алгоритм, 1999. – 125 с. / Кара-МурзаС.

Жаҳонда маълумотлар тезкор янгиланаётган XXI асрда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар тарбиясида маънавий-ахлоқий фазилатларни педагогик тизим асосида шакллантириш ғоят мураккаб ва муҳим вазифадир. Айни вақтда олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлиги масаласи интеграл диагностик нуқтаи назаридан илмий тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мос равишда: ИТД-2012-43 «Миллий ғоя воситасида аҳолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг инновацион метод ва воситалари», А1-ФҚ-0-40796. Миллий ғоя тарғиботи орқали ўзбек менталитетида прагматик ва бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш жараёнларини оптималлаштириш, А1-ФҚ-0-75674 А1-061. Мустақиллик йилларида эришилган тарихий ғалабалар ҳамда эзгу ғоялар рўёбини илмий-амалий ўрганиш ва тарғиб қилиш усуллари мавзулари доирасида бажарилган. Андижон давлат университетиде 2017-2021 йилларга мўлжалланган №ОТ-Ф-1-17-рақамли «Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш» фундаментал тадқиқот лойиҳаси амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш бўйича услубий, амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизимининг стратегик, ижтимоий-сиёсий, назарий, маънавий-маърифий асосларини ёритиш;

олий таълим муассасаларидаги тарбиявий ишлар тизимининг интегратив педагогик ресурсларини асослаш;

талаба ёшлар тарбияси назарияси ва услубиятининг ривожланган мамлакатлар тажрибасини педагогик тадқиқ қилиш;

ёшлар орасида маънавий бегоналашувга олиб келувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш ва уларда маънавий-ахлоқий муносабат

Г. Манипуляция сознанием-2. – М.: Алгоритм, 2009. – 528с. / Зиновьев А.А. Глобализация есть новая мировая война. – М.: Мысль, 2001. – 256 с./Зелинский С. А. Манипуляции массами и психоанализ: манипулирование массовыми психическими процессами посредством психоаналитических методик. – Санкт-Петербург: Скифия, 2008. – 235 с. /Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2013. – 713 с.; Маслоу А. Психология бытия. // Пер. с англ. О.О. Чистякова. – Рефл-бук: Ваклер, 1997. – 84 с.; Леонтьев А.А. Деятельностный ум (Деятельность. Знак. Личность). – М.: Смысл, 2001. – 392 с.; Давлетшин М.Г. Кобилят ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.; Гозиев Э.Г. Психологические основы развитие самоуправления учебной деятельностью у школьников и студентов. Автореф. дис. ... док.псих.наук. – Т., 1991. – 38 с.; Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 204 б.; Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности. Автореф. дис. ... док.псих. наук. – Т., 2001. – 41с.; Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Автореф. дис. ... доктора псих.наук. – Т., ТГПУ, 2006. – 38 с.; Реан А.А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. — Санкт-Петербург: Питер, 1999.–216 с. Петрич О.И. Воспитание гражданственности у подростков в современных детских общественных объединениях: Дис. ... канд. пед. наук. – Пятигорск: ПГПУ, 2011. – 182 с.

малакаларини ривожлантиришнинг интеграл диагностик йўллари ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини ривожлантиришнинг интеграл диагностик имкониятларини илмий-педагогик асослаш ва такомиллаштириш;

интеграл диагностика асосида олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизимини ривожлантиришга қаратилган «Талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида такомиллаштириш модели»ни ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизими компонентлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш сифатида белгиланди.

Тадқиқотнинг объекти этиб Андижон, Наманган, Бухоро давлат университетлари ва Қўқон давлат педагогика институтида олиб борилаётган тарбиявий ишлар тизими олинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар жараёнини яхлит педагогик тизим сифатида ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, услуб ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида анализ, синтез, қиёслаш, умумлаштириш, интерпретация, педагогик кузатиш, суҳбат, интеграл диагностика, социометрия, педагогик эксперимент, социологик сўровлар, контент таҳил, интервью, математик-статистик методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда маънавий-ахлоқий муносабатларнинг динамик хусусиятлари интеграл диагностикага асосланган тарбиявий ишлар тизимини баҳолаш мезонлари ва харитаси, мулоқот майдони, шахслараро масофа шкаласи ва индекси орқали такомиллаштирилган;

талабалар жамоасидаги маънавий муҳит даражасини белгиловчи интеграл педагогик кўрсаткичлар таркиби шахслараро мулоқотда эмоционал масофанинг интеграл коэффициенти таъсирини инобатга олиб аниқлаштирилган;

халқаро тажрибалардаги олий таълимда интеграллашган педагогик имкониятлар ва тарбиявий тизимнинг концептуал йўналишларини компаратив таҳлили асосида талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

талабаларда маънавий-ахлоқий муносабатларнинг намоён бўлиш даражаларини аниқлаш орқали «маънавий бегоналашув» таҳиди ва таъсирини таҳлил қилиш имконини берувчи социометрик шкалалар ва интеграл диагностик параметрлари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида ривожлантириш модели субъектлар фаолиятига оид функциялар мазмунини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарбиявий ишларнинг яхлит ижтимоий-педагогик тизим сифатидаги фаолият натижадорлиги илмий амалий такомиллаштирилган;

тарбиявий ишлар жараёнида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаси, шакл, воситалари самарадорлигини таъминлаш имкониятлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни тизимли бошқариш, ташкиллаштириш ва баҳолашнинг интеграл диагностик методлари асосида тарбиявий ишлар самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

тарбиявий ишлар педагогик тизимининг элементлари ва уларни модернизациялаштириш, тарбиявий ишлар жараёни субъектлари фаолиятини такомиллаштиришнинг мазмун, шакл, восита ва методлари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш босқичлари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини ўз ичига олган талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган;

«Олий таълим муассасасида тарбиявий ишлар тизими элементлари самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари», «Тарбиявий ишлар менежменти мезонлари», Факультетнинг «маънавий ахлоқий мулоқот майдони», «Маънавий-ахлоқий муносабатларнинг шахслараро масофаси шкаласи», «Маънавий-ахлоқий фазилатларини баҳолаш харитаси», «Академик гуруҳларда маънавий-ахлоқий муносабатлар индекси (МАМИ)», «Маънавий-ахлоқий муносабатларнинг шаклланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар гуруҳи» каби муаллифлик ишланмалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изланишлар натижасида олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилиб, тизимли ёндашув асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга технологик мажмуасининг қўлланиши асосида талабалар орасида маънавий бегоналашувга олиб келувчи сабаб ва омилларни бартараф этишва уларни ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари аниқланган; олий таълим тизимида тарбиявий ишларнинг педагогик тизими асосланган; талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарасининг ошишига олиб келувчи педагогик тизим ресурслари аниқланган ва улардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган; олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлиги мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ҳамда тарбия субъектлари компетентлигини оширишга қаратилган тренинг дастурлари, услубий мажмуалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, маънавият асослари, ижтимоий фалсафа, тарбиявий ишлар методикаси, педагогик технология, педагогик маҳорат, миллий ғоя, диншунослик каби фанлар мазмунини бойитишга хизмат қиладиган илмий-амалий тавсиялар аниқлаштирилганлиги; тарбиявий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва баҳолашга тизимли ёндашув механизмларининг такомиллаштирилганлиги; талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантиришнинг интеграл педагогик диагностик тизимининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосида такомиллаштириш бўйича эришилган илмий натижалари:

Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий-ахлоқий муносабатларининг хусусиятлари, интеграл диагностикага асосланган тарбиявий ишлар тизимини баҳолаш мезонлари ва харитаси, мулоқот майдони, шахслараро масофа шкаласи ва индексига оид таклифлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2015 йил 15 февраль 2-540-сон Қарор билан тасдиқланган бакалавриатура мутахассисликлари Давлат таълим стандартининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги № 89-03-822 сонли маълумотномаси).

Мазкур интеграл диагностика услубларидан олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларда мавжуд муаммолар сабабларини ўрганиш, тарбия субъектлари функционал таъминотини такомиллаштириш учун услубий қўлланмалар яратишга хизмат қилган;

талабалар жамоасидаги маънавий муҳит даражасини белгиловчи интеграл педагогик кўрсаткичлар, шахслараро мулоқотда эмоционал масофанинг интеграл коэффиенти таъсирига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда олий таълим тизимида тарбиявий ишларга интегратив ёндашувни қўллаш бўйича тайёрланган кўрсатмаларни⁵ ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 27 мартдаги № 01/07-419-18 сонли маълумотномаси). Мазкур кўрсатмалар олий таълим муассасаларида маънавий муҳитни соғломлаштириш, «талаба-талаба», «талаба-гуруҳ», «талаба-педагогик жамоа», «педагог-педагог» маънавий-ахлоқий муносабатларини яхшилаш имконини берган;

хорижий мамлакатларнинг олий таълимда интеграллашган педагогик имкониятлар ва тарбиявий тизимнинг концептуал йўналишларини компаратив таҳлили, талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантириш механизмига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 2017 йил 26 апрель ПҚ-2909 қарори ижросини таъминлашга қаратилган олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

⁵Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараккиёт ва янгилашиш сари.//Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. 2017. - 92 б. 27-б.

тарбиявий ишлар бўйича чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги №89-03-822 сонли маълумотномаси). Мазкур чора-тадбирлар дастурлари бакалаврларга қўйиладиган одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштирилга хизмат қилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида ривожлантириш модели ҳамда унда субъектлар фаолияти функцияларига оид таклифларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари доирасидаги ИТД-2012-43 «Миллий ғоя воситасида аҳолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг инновацион метод ва воситалари», 2017-2021 йилларга мўлжалланган №ОТ-Ф-1-17-сонли «Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш» номли фундаментал лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 27 мартдаги № 01/07-419-18 сонли маълумотномаси). Ушбу лойиҳалар «худудларнинг маънавий-маърифий харитаси»ни ишлаб чиқишга, шунингдек ижтимоий маънавий-ахлоқий малакаларни тарғиб қилишга хизмат қилиши назарда тутилган.

талабаларда маънавий-ахлоқий муносабатларнинг намоён бўлиш даражаларини аниқлашдаги социометрик шкалалар ва интеграл диагностик параметрлари, «маънавий бегоналашув» таҳдиди ва таъсирининг моҳиятига оид таклифлари асосида Андижон вилоят ҳокимлигининг 2017 йил 13 июлда тасдиқланган №476-сон «Андижон вилоятида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг комплекс чора-тадбирлари» қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 27 мартдаги № 01/07-419-18 сонли маълумотномаси). Ушбу комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши маънавий-ахлоқий муносабатларнинг ижтимоий-педагогик мониторингини амалга ошириш, талаба ёшларда ўзаро меҳр-оқибат, эътиборлилик, дахлдорлик, ғоявий бирлик каби фазилатлар кластерини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот доирасида кўлга киритилган илмий натижалар 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Республика илмий-амалий конференциялардан бири муаллифнинг ташаббуси ва ташкилотчилигида 2012 йил 9 июнь куни Андижон давлат университетида ўтказилган ва конференция материаллари чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12та мақола, 10та республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, 214 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқот илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи **«Ўзбекистонда маънавий-тарбиявий ислохотларнинг методологик масалалари»** бобида жамиятни маънавий янгилашнинг ижтимоий-педагогик, стратегик, интеграцион асослари, ёшларга оид давлат сиёсатининг интегратив моҳияти, шунингдек, олий таълим муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг интеграл-педагогик таҳлиллари келтирилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотлар жамият тафаккурини янгилаш, миллий кадриятларни тиклаш ва ўрганиш ҳамда умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириш ва юксалтиришга қаратилган. Мустақил Ўзбекистонда маънавий соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилиниши бунинг заминини яратди.

Мамлакат маънавий-маърифий сиёсатида ёшлар, хусусан талаба ёшлар тарбияси масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасалари тарбиявий ишлар тизими миллий давлатчилигимизнинг стратегик мақсадларига хизмат қилади. Талаба-ёшларда муайян фазилатларнинг уйғун шакллантирилиши умуммиллий ғоявий бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар жамиятнинг манфаатларини сиёсий даражада ифодаловчи, жамиятни шу манфаатлар учун курашга йўналтирувчи, уюштирувчи ғояларни рўёбга чиқарувчи маърифий, тарғибот-ташвиқот тизимини ташкил қилади. Талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларининг такомиллаштирилиши мамлакатимизнинг бўлажак зиёлилари, раҳбар кадрларининг маънавияти, ғоявий карашлари, мафкуравий иммунитетларида ижобий намоён булади. Бу эса улар орқали бутун жамиятнинг маънавий такомиллашувига, ижтимоий-сиёсий ислохотлар самарадорлигига кучли тарбиявий таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишлар тамойилларидан бири инсонпарварликдир. Бу фазилат, биз учун азалий бўлиб, у инсон эрки, унинг кадр-қийматини хурмат қилиш, меҳр ва мурувват кўрсатиш, унга яхшилик қилиш каби ҳаракатлар мажмуидан иборат. Тарбиявий ишлар жараёнида муайян дидактик талаб ва

қоидаларга риоя қилган ҳолда талабаларнинг ишонч, эътиқод ва дунёқараши шаклланади. Ишонч, эътиқод, дунёқараш, мафкура талабаларнинг мустақил фаолияти, маънавий-ахлоқий муносабатлари тажрибаси асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июль куни имзоланган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори бу борада мавжуд муаммоларни илмий асосда ўрганиш, бартараф қилиш ва такомиллаштириш, учраётган маънавий иллатларнинг сабабларини, илдизларини, омилларини илмий ўрганишни, «ғоявий тарбия ишларининг юзаки тарзда олиб борилаётгани»дан огоҳлантириб, бу аҳволга чек қўйишни талаб қилмоқда»⁶. Бундай вазиятда тарбиявий ишлар мақсад ва вазифалари нуқтаи-назаридан шахснинг структураси, унинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари, идеаллари, эътиқоди катта ўрин тутди. Эътиқод талабанинг ички позициясига айланган билимлари сифатида унинг нафақат дунёга, балки атрофидаги одамларга, ўз-ўзига муносабатини белгилаб беради, унинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқариб туради.

Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар шахснинг лойиҳалаштирилувчи фазилатларини шахс характерининг таркибий қисмлари сифатида белгилайди. Натижада муайян ижтимоий буюртма асосида лойиҳалаштирилиши ва шакллантирилиши лозим бўлган шахсий фазилатлар мажмуи - миллий характер модели асосланади. Шахснинг жамиятда ўзини ҳис қилиши, бошқалар билан аҳиллиги, ўзгаларга ва ўз-ўзига муносабати, интизомлилиги, фаол яратувчан характерга эгаллиги ва миллий мустақиллик манфаатларига зид хатти ҳаракатлардан ўзини тўхтатишга тайёрлиги ва қатъияти, онглилиги миллий истиқлол шароитида маънавий- маърифий ишлар натижаларини ташкил этади. Бунинг учун эса илмий-педагогик ёндашган ҳолда олий таълим муассасалари тарбиявий ишларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур. Зеро, бусиз маънавий-маърифий, миллий мафкуравий ишларнинг самарадорлигини аниқлаб, холис ўрганиб, демак, такомиллаштириб бўлмайди.

Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни яхлит интеграл диагностика асосида ривожлантириш зарурати унга хос қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланади:

- биринчидан, «шахс –тарбиявий мақсад – мазмун - ташкилий-фаолият – натижа – баҳолаш» каби компонентлар максимал даражада ўзаро боғланган тўқис ва жипс педагогик муҳитда ривожланади;

- иккинчидан, бунда тарбия субъектлари саъий-ҳаракатларининг интеграциялашув жараёни кечади. Бу эса ўз навбатида педагогик таъсирнинг самардорлик даражасини оширади;

- учинчидан, талабанинг маънавий-ахлоқий муносабатларининг янада маданий тус олишига имкон яратиб, талабанинг ўз маънавий-ахлоқий

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 июль ПҚ-3160 сонли Қарори

маданиятини намоён этиши учун оптимал шарт-шароитлари моделларини юзага келтиради;

- тўртинчидан, ўзига хос тарбиявий муҳитнинг ташкил топиши натижасида ўқув муассасасининг имиджи пайдо бўлади;

- бешинчидан, тизимли ёндошув олий таълим муассасаларидаги тарбия жараёнида инсоний, молиявий, моддий-техник ресурсларни оптимал ишлатишга имкон беради.

Ижтимоий ҳаётда юз берувчи ислоҳотлар баъзан асрлар давомида шаклланган тарбиянинг мумтоз назариясини бойитиб, тарбиявий ишларнинг педагогик тизимга хос назарияси ва технологияларига оид тушунча ва категориялар доирасини кенгайтиради. Ушбу доирада «маънавий муҳит - тарбиявий макон», «тарбиявий ишлар - тарбиявий тизим», «маънавий-ахлоқий фазилатлар - муносабатлар тизими», «миллий ғоя – тарбиявий мақсадлар тизими» ва бошқалар киради. Натижада бир-бирига яқин янги ва анъанавий қарашлар биргаликда мавжуд бўлади. Айни вақтда биз шартли равишда «тарбиявий ишлар» ва «маънавий-ахлоқий муносабатлар» ибораларига бири-бирини тақозо қилувчи тушунчалар сифатида қараймиз. Мазкур икки тушунча ўзининг уйғун функция, мақсад, вазибаларига эга ва айни вақтда қўлами, ташкилий тамойиллари ва йўналтирилган мақсадлари билан ажралиб туради. Ушбу категория ва тушунчалар ўртасида ўзаро уйғунликнинг таъминланиши тарбия тизимини лойиҳалаш ва турли тизимли тузилмаларнинг интеграциясига ижобий таъсир ўтказади.

Диссертациянинг «Олий таълим муассасаларида талабалар тарбиясининг компаратив ва интеграл педагогик хусусиятлари» деб номланган иккинчи боби ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон тарбиявий доктриналарининг педагогик хусусиятлари, тарбиявий ишларда интегрализм принциpidан фойдаланишнинг педагогик ресурслари ҳамда талабаларда маънавий-ахлоқий муносабатларни ривожлантиришнинг интеграл педагогик муаммолари тадқиқига бағишланган.

Олий таълим муассасаларидаги тарбиявий ишлар таҳлили талабалар маънавий-ахлоқий тарбияси тизимининг ривожига хизмат қилувчи ижобий омиллари билан бирга ундаги педагогик муаммолар сабабларини аниқлашга ҳам имкон беради. Айрим ҳолларда бу борада самарадорликни пасайтирувчи сабаблар айрим педагогик зиддиятларга бориб боғланишини кўрсатади. Тадқиқотда тарбиявий тизимнинг ташқи (ижтимоий) муҳит билан муносабатлари, тизимнинг структуравий элемент ва компонентлари ўртасидаги, процессуал ва бошқа характердаги педагогик муаммолар назарий таҳлил қилинди. Таҳлиллардан келиб чиқиб, олий таълим муассасасида тарбиявий ишлар тизими самарадорлигини аниқловчи интегратив кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

Идентив тарбиявий мақсадлар таълим-тарбия жараёнининг эришилган реал натижаси сифатида талабаларнинг ҳулқида намоён бўлади. Маълумки, ҳатти-ҳаракатлар ички (фикрий) ва ташқи (хулқ) кўринишларда намоён бўлади. Яъни талаба муайян фазилатни таърифлайди, тушунтиради, ёритади,

бажаради, таҳлил этади, фарқлайди, исботлайди, баҳолайди, хулқ-атвор тарзини лойиҳалайди, муҳокама қилади, қўллайди, тасдиқлайди ва амалга оширади. Муайян вазиятларда фикрий ҳатти-ҳаракат «юзага чиқиб» ташқи ҳатти-ҳаракатга айланади. Талабаларнинг хулқи ўз навбатида педагогик тизим натижалари интеграциясини ифодалайди.

1- жадвал.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими самарадорлигини аниқловчи интегрatív кўрсаткичлар

Даража	Сифат кўрсаткичлари	Баҳо
Оптимал	Педагогик тизим изчил бошқарилади, тарбияланувчиларнинг шахсий сифатлари интеграл диагностика қилинади, мавжуд маънавий-ахлоқий муносабатлар тартибга солинади. Тизим элементларининг ўз вазифаларини бажариш ва улар ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада таъминлаган. Тарбиянинг оптимал методика ва технологиялари қўлланилади, тизимнинг барча элементлар ўз тарбиявий функцияларини самарали бажаради. Тизим тарбия жараёнининг оптимал кечишини таъминлайди.	10-9
Қониқарли	Тизим бошқарилади, тарбия жараёнининг интеграл диагностикаси йўлга қўйилган, юзага келувчи маънавий-ахлоқий муносабатларни тартибга солади. Тизим элементларининг ўзаро уюшганлик даражаси ва улар бажарувчи вазифалар натижадорлиги яхши. Қўлланилаётган тарбия методикаси ва технологиялари қўйилган вазифага мос. Тизимнинг барча элементлари кўзда тутилган ўз вазифаларини бажаради. Тизим талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлайди.	8-6
Қониқарсиз	Тизим қийинчилик билан бошқарилади. Тарбия жараёнлари натижадорлиги қайд қилинмаган. Тизим элементларининг уюшқоқлик даражаси паст, тизимнинг элементлари ўз функцияларини бажаришмайди. Тарбия методикаси ва технологиялари кам самарали. Тизим талабалар тарбияланишини қийинчилик билан таъминлайди.	5-4
Салбий	Тизим бошқарилмайди. Тарбия натижадорлиги ўрганилмайди. Тизим элементларининг уюшқоқлиги бузилган, тизимнинг алоҳида элементлари ўртасидаги алоқа бузилган. Тизимнинг аксарият элементлари ўз функцияларини бажармайди. Тарбия методикалари ва технологиялари эски. Тизим фаолиятида дезинтеграцион тенденциялар мавжуд, талабаларнинг ўзаро муносабатларида бегоналашув, бефарқлик мавжуд.	3-0

Ривожланган давлатлар тарбия моделлари ёшларнинг инсон капитали мазмунини бойитиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Дунё мамлакатлари олий таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларда давлат ва ҳуқуқ, ватанпарварлик, рухий (диний), жисмоний, маънавий-психологик, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш каби умумий жиҳатлар ажралиб туради.

АҚШнинг «Америка — 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси» асосида ёшларда «ўзини бошқаларнинг олдида эркин, бамайлихотир тутиш, «номукаммаллик комплекси»дан бегоналик, ҳар қандай мураккаб, танг вазиятлардан саросимага тушмасдан, босиқлик билан чиқа олиш, ички эркинликнинг сиёсий маданият ва қонунийлик доирасида яққол намоён бўлиши каби ментал хусусиятларга болалиқдан замин қўйиб борилиши»⁷ белгилаб қўйилган.

Буюк Британиянинг таълим бўйича Миллий комиссияси ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдида бурчга содиқлик, одамларга ғамхўрлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглик фазилатларини сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар қилиб етиштириш вазифаларини юклади⁸.

Франция таълим вазирлиги кўрсатмаларида⁹ масъулиятли, ғурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга мухаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлик ғоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган.

Япониянинг «Таълим тўғрисидаги фундаментал Қонуни»¹⁰ да таълим муассасаларига тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. «Идеал японнинг фазилатлари» деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 фазилатни шакллантириш вазифаси белгилаб берилган. Бу фазилатлар оила бошлиғига хос сифатлар, ижтимоий сифатлар ва фуқаролик сифатларидан иборат тўрт гуруҳдан иборат.

Рим клуби аъзолари бугунги авлодлар тарбиясида инсониятни безовта қилаётган: экологик инқироз, бедаво касалликлар, диний-этник конфликтлар, урушлар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни тавсия этмоқда. Ушбу мақсадда зудлик билан ёшларда «келажакка саводхонлик»(futures literacy)ни шакллантириш зарурлигига чақирмоқда¹¹.

Ривожланган давлатлар олий таълим тизимининг тарбиявий мазмунини киёсий ўрганиш натижасида умумий жиҳатни- ҳар бир давлатда мутахассисларни касбий тайёрлаш пухта режалаштирилган, ташкилий

⁷Крылова У. Как воспитывают детей в США? /Digest.subscriberu.

⁸ Развитие образования в европейских странах в условиях глобализации и интеграционных процессов: Сборник научных трудов / Коллектив авторов: Вульфсон Б.Л., профессор, д.п.н., член-корр. РАО, Савина А.К., д.п.н., Долгая О.И., к.п.н., Дудко С.А., Лысова Е.Б., к.п.н., Писарева Л.И., к.п.н. - М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, - 2013. - 448 с.с. 321.

⁹ И.И. Соколовой, А.С. Колесникова *«Современная зарубежная компаративная педагогика и философия образования»*. - М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 328 с. С. 254.

¹⁰ Железняк О.Н. О принятии в Японии нового основного Закона об образовании. Изд-во института Дальнего Востока РАН. Владивосток. 2009. С.106.

¹¹<https://www.opentv.tv/rimskij-klub-prishel-k-idee-novogo-prosveshheniya>; <https://medium.com/>

мукаммал ва мақсадли бўлиб, тарбия тизимларида икки йўналишни кўриш мумкин. Бу икки йўналиш ўзаро боғлиқ ва педагогик тизимнинг асосий мақсади бўлмиш 1/юксак ахлоқли ва 2/юқори малакали мутахассисни тайёрлашга қаратилган.

Ривожланган мамлакатлар тарбиявий тизимларида устуворлик фаол фуқаролик позицияси, юксак ахлоқлилиқ, маънавий кадриятлар сақланиб қолган. Ушбу кадриятларни сақлаб қолиш ва ўргатиш – таълимга оид сиёсатнинг марказий вазифаси этиб белгиланган. Ривожланган давлатлар олий таълим моделларини таҳлил қилиш асносида тарбия бу талабаларга педагогик таъсир ўтказиш йўли билан уларда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий билимлар ва ўз ҳуқуқларини англаш, ижтимоий фаоллик каби фазилатлар мажмуини шакллантириш, деган хулосага келиш мумкин. Бунда биринчи ўриндаги вазифа сифатида ёшларда жамият ва давлат олдидаги бурч ҳиссини тарбиялаш туради.

Контент таҳлилларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида, нутқ ва китобларида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичида ёшларимизда шакллантириш зарур бўлган долзарб маънавий-ахлоқий фазилатларни аниқлаб берди. Ушбу фазилатларни ривожлантириш педагогика фанига давлатимиз томонидан берилган ижтимоий буюртмани ифодалайди. Жумладан, мардлик, Ватанга садоқат, янгича фикрлаш, масъулиятлилиқ, ташаббускорлик, тadbиркорлик, мустаҳкам мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, фаоллик, мустақил фикрлаш, мустаҳкам ҳаётий позицияга эгалиқ, камтаринлик, меҳридарёлик, бағрикенглиқ, оққўнгиллик, камтаринлик, фидойилиқ, олижаноблик, одамийликни жойига қўйиш, сабр-бардошлилик, самимийлик, кўнгли очиклик, пок ниятлилик, маърифатпарварлик, тартиб-интизомлилиқ, маърифатлилиқ, тантилиқ, адолатлилиқ, ўзига, эртанги кунга ишонч, айтган сўзида туриш, мардлик, ҳалоллик, оқибатлилиқ, намуна бўлиш, ҳурмат-эҳтиромли, ибратли, меҳмондўстлик, халқпарварлик, тинчликпарварлик, меҳрибонлик каби фазилатлар интеграцияси бугунги талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясининг мазмунини белгилаб берди¹². Ушбу фазилатларни ёшларимизда ривожлантириш уларни ягона мамлакат, унинг тақдири, тарихи, бугунги муаммоларини ҳал этиш ва келажаги буюк давлат бунёд этиш каби умумий мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар қилади. Бу эса педагогика фанининг жамиятни маънавий янгилаш, ёшларни замон талаблари асосида тарбиялаш мазмуни, стратегик, ижтимоий-сиёсий вазифаларини белгилаб берди.

Республикамиз олий таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий ва маърифий ишлар амалиётини ўрганиш талаба ёшларда шакллантирилаётган фазилатларнинг дунёнинг ривожланган мамлакатлари тарбиявий стратегияларига ҳамоҳанглиги ва айни вақтда бой миллий-маданий хусусиятларга эгалигини кўрсатди. Ушбу фазилатлар педагогик тизимнинг элементлари бўлган аудитория машғулотлари, танловлар, спорт

12Куронов М. Ватаннинг мафкуравий ҳимояси мустаҳкам бўлади.// Маърифат, 2017 йил 14 сентябрь.

мусобақалари, сахна кўринишлари, суҳбат, айтишувлар, ўйинлар, бадий кечалар, байт бараклар, ўқишлар, Мустақиллик байрами, Конституция куни, ўқитувчилар куни, Наврўз байрами, янги йил байрами, хотира ва эъзозлаш куни, Хайит байрамлари; Ҳосил байрами ва бошқа катор тадбирларда ривожлантирилади.


Тарбиявий ишлар тизимининг субъектлари фаолиятини ўрганиш асосида тарбиявий ишларни менежментини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

2- жадвал

Тарбиявий ишларни менежментини баҳолаш мезонлари

Даража	Хос кўрсаткичлар
Намунавий	<ul style="list-style-type: none"> - тарбиявий жараёни ташкил қилишда тарбиявий ишлар субъектлари фаолиятининг юқори самарадорлиги; - тарбиявий жараёндаги фаол ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик; - психо-педагогик билимларнинг тезкор янгилаб борилиши ва мобил жорийлашиши; - ижодий активлик ва педагогик импровизация; - шахснинг ўзини намоён қилиши учун маънавий муҳит яратилганлиги.
Яхши	<ul style="list-style-type: none"> - тарбиявий ишларга расмий ёндошув; - амалий вазифаларни ечишга тайёрлик; - репродуктив шакллар билан чекланиб қолинганлик; - илмий-ижодий фаолликнинг чекланганлиги; - педагогик муаммоларни ечишда тизимли ёндашувнинг йўқлиги.
Қониқарсиз	<ul style="list-style-type: none"> - педагогик муаммоларни фақат шахсий тажрибага таяниб ечиш; - психо-педагогик тайёргарликнинг суствлиги; - тарбиявий жараёнда ташаббуснинг йўқлиги; - фақат «тадбир ўтказилди» тамойили асосида ишлаш; - ОТМда умумий, ягона педагогик тизимли ёндашувнинг йўқлиги.

Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини баҳолаш учун педагогик фаолиятнинг таркибий элементларини ажратиб олиш ва баҳолаш лозим. Ушбу элементлар ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва комплекс намоён бўлиши маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларини сифатли ечишга имкон беради. Бунда тарбиявий таъсир структураси ушбу таъсирнинг самарадорлигини таъминлаб берувчи, педагогик операцияларнинг кетма-кетлигини таъминлаб берувчи алгоритм сифатида намоён бўлади:



2-расм. Тарбиявий таъсир структураси алгоритми

Шунингдек, олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлигини жумладан қуйидаги тарбиявий услуб ва воситалар ошириши аниқланди:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукуматининг маънавий-маърифий, миллий ғояга оид фикрлари, қарорлари, фармойишларидан тезкор, ҳаёт билан боғлаб фойдаланиш;

- маънавий–маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарларига, гуруҳ мураббийларига «Маънавий тарбия», «Миллий истиқлол ғояси руҳидаги тарбия», «Тарбиявий ишлар» дефиницияларини маънодошлар сифатида аниқ таърифларини уқтириш;

- талабаларни тарбиялаш тизимини горизонтал ва вертикал ўрганиш тамойилини қўллаш;

- долзарб, замонавий маънавий-мафкуравий фазилатларнинг илмий, луғавий, маданий, ижтимоий моҳияти, вазифаларини уқтириш;

- олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг экспериментал, интеграл диагностика услубиятини педагогик амалиётга жорий қилиш;

- ректорат, деканатлар, кафедралар, гуруҳ мураббийлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ижтимоий ташкилотларнинг тизимли ҳамкорлик асосида талабаларнинг бўш вақтини тарбиявий мақсадда уюштиришлари ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг «**Интеграл диагностика - тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш омили сифатида**», деб номланган учинчи бобида талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари интеграл диагностика объекти сифатидаги моҳияти, талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларининг интеграл педагогик таҳлили ва талабаларнинг шахслараро маънавий-ахлоқий муносабатлари динамикаси масалалари тадқиқ қилинди.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ҳозирги замоннинг глобал таълим муаммоларидан келиб чиқиб, уларни интегрализм принципи асосида, яъни қалб ва жисмнинг уйғунлиги, фан ва диннинг таълимда интеграциялашуви, таълим мазмуни ва педагогик жараёнда анъана ва инновацияларнинг мослашуви, ёшларни воқеликларнинг узвий занжири


билан боғланган ҳаётга тайёрлаш вазифасини қўйди. Интеграция принципи ислохотларнинг ҳозирги босқичида, жумладан, 2017-2021 йилларда ва ундан кейин ҳам Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг педагогик тамойилини ташкил этади.

Олий таълим муассасалари маънавий-ахлоқий тарбия жараёнига интегратив диагностикани жорий қилиниши яхлит педагогик тизимнинг имкониятларини мақсадли-манзилли йўналтириш ва интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳисобига объективлик даражасини ошириш имкониятини беради. Зеро, бунда идентив тарбия мақсадлари 1/олдиндан кафолатланган тарбия натижалари лойиҳалаштирилади, 2/тарбиявий омил бўлиб хизмат қилувчи ўқув предметлари намунавий ўқув режаси фанлар блоки асосида танланади, 3/Маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар, восита ва усуллар шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилади


Талабалар жамоасини бирлаштиришда уни умумий мақсадларга йўналтириш бўйича махсус иш олиб бориш, ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда гуруҳ жамоасидаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигига эришиш зарур бўлади. Ушбу масалаларни ҳал этишга талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларининг интеграл педагогик диагностика методикаси хизмат қилади. Бу олий таълим муассасалари ижтимоий-маънавий муҳитини комплекс тадқиқ этиш зарурати билан талабаларнинг шахслараро маънавий-ахлоқий муносабатларини аниқлашнинг самарали интеграл методикаси мавжуд эмаслиги ўртасидаги зиддиятни бартараф этади.

Бугунги кунга келиб шахслараро муносабатлар мураккаб ўзгарувчан ва ўзаро боғланган тизимни ташкил этиб, уларни расмий, норасмий, вертикал, горизонтал, амалий, шахсий, рационал, эмоционал, фаолият заминига қурилган муносабатлар тадқиқ қилинган. Бироқ, инсоний муносабатлар тизимини маънавий-ахлоқий компонентсиз мукамал ҳисоблаб бўлмайди. Шу боис, тадқиқотимизда талабалар орасидаги маънавий-ахлоқий муносабатларни баҳолашнинг интеграл диагностик методи ишлаб чиқилди. Аниқланган назарий асослардан келиб чиқиб интеграл диагностика воситасида талабалар орасидаги маънавий-ахлоқий муносабатлар даражасини самарали педагогик назорат қилишнинг қиймат кўрсаткичлари ва уларнинг инфографик ифодалаш йўллари ишлаб чиқилди. Бунда Э.Богардуснинг «ижтимоий масофа» методикаси асосида ишлаб чиқилган «шахслараро мувофиқлик» шкаласини модификациялаштириб, ундан талабалар гуруҳидаги маънавий-ахлоқий муносабатларни интеграл баҳолашда фойдаланиш орқали маънавий-ахлоқий муносабатлар масофасини миқдорий акс эттириш имкони яратилди. Бу муаммони ҳал этишга қаратилган муаллифлик ёндашуви 3-жадвалда келтирилган талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларининг интеграл диагностикаси воситасида педагогик назорат қилишнинг назарий моделида акс этган.

Талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл диагностика воситасида ривожлантириш модели



Гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг умумий кўринишини акс эттирувчи янги диаграмма – «маънавий-ахлоқий мулоқот майдони» яратилиб, уни бутун гуруҳ учун ҳам (ўрта ҳисобдаги қийматлардан фойдаланиб), ҳар бир талаба учун алоҳида (индивидуал қийматлардан фойдаланиб) тузилди. Гуруҳдаги ижтимоий маънавий муҳитни ўрганиш учун мураббий-тарбиячиларга «Гуруҳнинг маънавий муҳити» тестидан фойдаланиш таклиф этилди. Коммуникатив майдонда шахсларо муносабатлардаги ижобий ва салбий йўналишлар координаталар ўқи белгилари билан мувофиқликда жойлашади. Мисол тариқасида АДУ педагогика факультетининг 3-курсдаги «маънавий-ахлоқий мулоқот майдони»ни кўриб чиқамиз (3-расм).



3-расм. АДУ педагогика факультетининг 3-курсдаги «маънавий ахлоқий мулоқот майдони»

Ушбу диаграммада талабалар маънавий-ахлоқий кўрсаткичларининг тегишли қийматлари биринчи, иккинчи ва тўртинчи квадрантларда жойлашганлигини кўрсатади. Бу эса ушбу гуруҳда ўзаро салбий муносабатда бўлган талабалар йўқлигини билдиради. Айни вақтда талабаларнинг кўпчилиги ижобий мувофиқлик, аҳиллик соҳасида жойлашган. Айни вақтда мақом ва проекция мувофиқлиги диагоналидан кучли оғиш борлигини эътироф этган ҳолда биз бу гуруҳда яқин дўстлар сони озчиликни ташкил этишини кўришимиз мумкин.

Интеграл коэффициент гуруҳдаги шахсларо муносабат сифатини, психологик микроклимни, гуруҳ ичидаги маънавий яқинлик ва дўстлик даражасини акс эттиради. 4-жадвалнинг чап устунида жойлашган мулоқотнинг ҳар бир сифат кўрсаткичига ушбу муносабатларни ва математик аппаратни киритиш ва таҳлил қилиш имкониятларини расмийлаштириш учун миқдорий қийматлар интервали берилган. Қийматлар даражалардан ҳар бирининг охириги чегараси ҳақидаги маълумотларни ва шунга мос келадиган даражалар номини ўз ичига олади.

**Маънавий-ахлоқий муносабатларнинг шахслараро масофаси
шкаласи**

Даражалар номи	Даражалар чегараси
Яқин дўст	>0,75 дан 1 гача 1 ҳам қўшилиб
Ошна	> 0,5 дан 0,75 гача 0,75 ҳам қўшилиб
Шерик	>0,25 дан 0,5 гача 0,5 ҳам қўшилиб
Таниш	> 0 дан 0,25 гача 0,25 ҳам қўшилиб
Бефарқ	> -0,25 дан 0 гача 0 ҳам қўшилиб
Нотаниш	> -0,5 дан 0,25 гача 0,5 ҳам қўшилиб
Узоқ	> -0,75 дан 0,5 гача 0,75 ҳам қўшилиб
Бегона	> -1 дан 0,75 гача 1 ҳам қўшилиб
Дунёда йўқ	-1

Демак, мулоқот масофасининг интеграл коэффиценти» тушунчасига эга бўлган ҳолда олинган маълумотлар гуруҳдошлар маънавий-ахлоқий муносабатларининг «исталган» масофасини, яъни уларнинг мулоқотнинг муайян даражасига интилишини ифодалайди.

Интеграл коэффицентнинг юқори даражаси ўзаро маънавий-ахлоқий таъсирга бир қадар юқори даражада интилиши билан характерланиб, талабаларда дўстлашишга мойиллик бироз юқори бўлишига хизмат қилувчи яқин муносабатларга киришишга мойилликларини кўрсатади. Ўтказилган тажриба-синов ишларимиз натижасида олинган маълумотлар таҳлиliga асосланиб, олтига 3-курслардан фақат биттаси мақом ва проекция ўртасидаги корреляция коэффицентининг юқорилиги билан характерланади, деган хулосага келиш мумкин. Бу курсдошлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш юқори даражада эканлигига гувоҳлик беради.

Тадқиқотнинг «**Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизимини ривожлантириш йўналишлари**», деб номланган тўртинчи бобида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг объектив ва субъектив омиллари, идентив тарбиявий мақсаднинг асосий йўналишлари ҳамда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Интеграллик тамойили миллий-диний педагогика негизи билан чамбарчас боғланган таълимотлардан бири тасаввуф тариқатидир. Жумладан, сўфийликнинг учинчи оқими – нақшбандия таълимотининг ўз ахлоқ-одоб талаблари бўлган. Унда «Кимки ана шу одобни ушласа, уни балоғат аҳлининг балоғатига етказди. Адаб – бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдур», дейилади. Бу ғояларни амалга оширишда сўфийлар «... шунчаки билим берувчи эмас, балки инсон дунёқарашининг, унда ахлоқий нормаларга мос ҳолда ҳаракат қилиш қобилиятининг шаклланишига чуқур таъсир эта

оладиган маънавий устозлари бўлган таълим тизимини намуна деб билганлар¹³.

Глобаллашув, технократизмнинг кучайиши туфайли ёшлар маънавияти, ахлоқига янги маънавий таҳдидлар таъсири ўзини намоён қилмоқда. Асрлар давомида шаклланиб, одамлар бирлаштириб келган миллий тарбия омиллари, анъаналари одамларни бир-биридан бегоналаштирувчи «оммавий маданият» қаршилигига дуч келмоқда. Зеро, инсонда инсонийликнинг камайишига биринчи сабаб, унинг бир-биридан маънавий бегоналашувидир. Буни бартараф этишнинг самарали йўлларида бири – ёшларни бирлаштирувчи, умумий, миллий қадрият, ғоялар асосида бирлаштириш, инсонни энг олий қадрият сифатида кадрлашга ўргата боришдир. Бироқ, бу вазифани фақат рационалликка таянган технократик педагогика амалга оширишга қодир эмас. Шу боис тарбиявий фаолиятда «шахс-шахс» муносабатлари маънавиятига эътиборнинг етишмаслиги бартараф этилиб, маънавий-ахлоқий тарбиянинг фаол ва таъсирчан услубларидан самарали фойдаланиш лозим.

Талабалар маънавияти, уларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл педагогика нуқтаи-назаридан ўрганиш ушбу жараённинг мақсадли, ишчан, мазмунли унсурларини, шунингдек, методлар, назорат воситалари ва шакллари ўз ичига олган назарий моделни яратиш ва унинг асосида талабаларнинг ўзаро маънавий-ахлоқий муносабатлари жараёнларининг моҳиятини интеграл методлар воситасида ўрганиш, тарбия муаммоларининг ва талабалар жамоасининг маънавий муҳити тенденцияларини аниқлаш имконини яратади.

«Интеграл» тушунчаси узвий алоқадорлик, яхлит, ягона деган маъноларни бериб, интеграция эса қисмларни тиклаш, бирлаштириш, бўлинган қисмларни боғлаб, яхлит ҳолатга келтиришни англатади¹⁴. Интеграл педагогика (ИП) инсонни тарбиялашнинг яхлит йўллари, шарт-шароитларини ўрганади ва шу сабабли «яхлит педагогика» тушунчасига мос келади. Интеграл педагогика олий таълим муассасасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ва унинг йўналишларини алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит – интеграл ҳодиса сифатида талқин қилади. Педагогик диагностик фаолиятнинг мақсади - тарбиячиларга педагогик вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонларини белгилаш, маънавий-маърифий муаммоларни самарали ечиш йўллари аниқлаш, талабалар фаолиятини бошқариш ва ўзининг касбий фаолиятини тузатиш, педагогик ўзаро таъсирлар самарадорлигини баҳолашга имкон берувчи яхлит ахборотни аниқлашдан иборат¹⁵.

Тажриба-синов ишлари давомида маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини баҳолашнинг оптимал методлари устида изланишлар олиб

¹³Қуроноф М. Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак.// Ота-оналарнинг фарзанд тарбияси учун масъулиятини оширишнинг долзарб масалалари. 2017 йил 19 сентябрь. Респб илмий-ам. Конференцияси материаллари. Т.: 2017. 19-б.

¹⁴www.ziyounet.uz/uploads/books/49959/53bb8eaa9eeaa.rtf

¹⁵Байкова Л.А. Гуманизация педагогической системы образовательного учреждения: Теория и опыт: Моногр. / Байкова Л.А.- Рязань: РГПУ им. С.А. Есенина, 2000.-248 с., С.П.Баранов «Педагогика: Учеб.пособие для пед. уч-щ по спец.№ 2001.

борилди ва талабаларда ҳар бир маънавий-ахлоқий фазилатнинг шаклланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

5-жадвал.

Муайян маънавий-ахлоқий муносабатларнинг шаклланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар гуруҳи

Юқори даража	Ўрта даража	Қуйи даража
Мукаммал маънавий-ахлоқий билимларга эга	Маънавий-ахлоқий муносабатлар ҳақида қисман тушунчаларга эга	Маънавий-ахлоқий муносабатлар тўғрисида тушунчаларга эга эмас
Билимларни ўзлаштирган, уларни амалиётда ижодий қўллай олади	Маънавий-ахлоқий муносабатлар тўғрисида қисман билимларга эга, муайян вазиятларда қўллай олади	Мавжуд билимларни амалиётда қўллай олмайди ёки билимларга эга эмас
Салбий маънавий-ахлоқий муносабатларга қарши ўз позициясини ҳимоя қила олади	Ўз маънавий-ахлоқий позициясини қисман ҳимоя қила олади	Ўз маънавий-ахлоқий позициясини ҳимоя қила олмайди
Салбий маънавий-ахлоқий муносабатларга фаол қарши туради	Салбий маънавий-ахлоқий муносабатларга қарши курашишда етарли даражада фаоллик кўрсатмайди	Салбий маънавий-ахлоқий ҳолатларга бефарқ


Талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини ўрганишнинг «талаба» ва «гуруҳ мураббийси» нуқтаи-назаридан характер сифатларини баҳолаш ҳамда талаба ва гуруҳ мураббийси баҳоларининг корреляциясини аниқлаш имкониятини берувчи «ўз-ўзини баҳолаш шкаласи» ишлаб чиқиб, жорий қилинди. Ушбу шкала асосида талабалар таклиф этилган шахсий сифатлар тавсифини беш балли шкала бўйича баҳолашди(6-жадвал).

6-жадвал.

Талаба С.Аъзамовнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини баҳолаш харитаси

№	Ижобий шахсий сифатлар	Ўз-ўзини баҳолаш	Мураббийси баҳоси	Фарқ
1	Тартиблилик	5	4	1
2	Фаоллик	3	3	0
3	Мулойимлик	4	3	1
4	Интизомлилик	2	3	-1
5	Масъулиятлилик	4	4	0
6	Мустақиллик	4	2	2
7	Камтарлик	2	2	0
8	Мулоҳазалилик	3	2	1
9	Меҳнатсеварлик	5	3	2
10	Ҳалоллик	2	4	-2

Бинобарин, тарбиявий ишларнинг навбатдаги босқичини режалаштириш интеграл диагностика воситасида жамоанинг эмоционал ҳолатини педагогик таҳлил қилиб борилишини кўзда тутди. Бу эса ишдаги ютуқ ва мавжуд камчиликларни кўришга, тарбиявий тизимнинг ривожланиш истиқболларини аниқлашга ёрдам беради. Олинган натижалар асосида олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий муҳитни такомиллаштиришорқали шахслараро муносабатлар даражасини ўзгартириш, шунингдек интеграл диагностика воситаларини қўллаш имкониятлари кўрсатилди. Бунда тарбиявий ишларнинг анъанавий усулларидан фойдаланиш давом этгани ҳолда ҳам объектив педагогик назорат ўтказиш имкониятлари ошиши аниқланди.



4-расм. Академик гуруҳларда маънавий-ахлоқий муносабатлар индекси (МАМИ)

Тадқиқот ўтказилган гуруҳларда МАМИнинг сон кўрсаткичи 1 дан 4 гача бўлган катталиқни ташкил этади. Гуруҳлардаги сезиларли фарқ шахслараро муносабатларнинг яхшиланишида муайян захира борлигидан далолат беради. МАМИнинг сон кўрсаткичини кундалик амалиётда қўллаш, махсус тарбиявий тадбирларни қўллагасдан туриб пасайиш тенденциясига эга бўлган ушбу коэффицентининг юқори курс талабаларида тушиб кетмаслигига имкон беради. Гуруҳдаги маънавий-ахлоқий муҳитни таълим-тарбия жараёнига бевосита таъсир этишини ҳисобга олганда унинг муҳимлиги янада ортади. Тадқиқот давомида олинган талабаларнинг шахслараро муносабатлари натижаси ўқув-тарбиявий иш методларини тўғри танлашга ёрдам беради, гуруҳдаги зарарли таъсирлар даражасини камайтириб, муносабатларни сезиларли яхшиланишига имкон яратади.

Тадқиқотнинг тажриба–синов ишлари мақсади этиб олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг педагогик тизимини ўрганиш ва такомиллаштиришнинг мазмуни, йўллари, восита ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда синаб кўриш белгиланди.

Тадқиқотнинг тажриба-синов майдонлари этиб Андижон, Бухоро, Наманган давлат университетлари, Қўқон давлат педагогика институтлари

белгиланди. Талабалар учун маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга қаратилган роли педагогик ўйинлар, уларнинг мазмун ва технологиялари ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Роли ўйинларнинг мақсадлари, ўйинни ўтказишга тайёргарлик талаблари, ўйинни ўтказиш, ўйин натижаларини таҳлил қилиш усуллари тавсия этилди.

Гуруҳ мураббийлари педагогик режалаштиришнинг замонавий методлари, назарияси ва амалиёти; олий таълим муассасасининг тарбиявий ишлар режаси; педагогик тизим тақдиротлари; тарбиявий ишларда аввал эришилган натижаларга таяниш; вазифаларни белгилаш ва талабалар билан уларни муҳокама қилиш; талабалар билан индивидуал ва дифференциал ишлаш; миллий ғоя ва маънавий кадриятларни, талабаларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; ишга ижодий-педагогик ёндашиш йўллари ўргатилди. Шунингдек, уларга суҳбат, муҳокама, маъруза, доклад, баҳс ва мунозара усуллари қўллаш йўллари ўргатилди. Талабалар билан «Мулоқот маданияти», «Мулоқот гўзаллиги», «Талабанинг маънавий-ахлоқий маданияти», «Ҳозирги ёшлар нутқи», «Кийимга қараб кутиб олишади ва ақлга қараб кузатишади», «Талаба тенгдошлари билан қандай муносабатда бўлиши керак?» ва бошқа мавзуларда суҳбатлар мавзулари, тадбир сценарийлари ишлаб чиқилиб, жорий қилинди.

Тажриба-синов ишларига: 496 талаба, шундан 248 нафари назорат ва 248 нафари тажриба гуруҳларига, 50 нафар гуруҳ мураббийлари, шундан 25 нафари назорат ва 25 нафари тажриба гуруҳларига жалб қилинди. Тажриба-синов ишлари назорат ва тажриба-синовларнинг уйғунлигига асосланган. Бунда тажриба-синовга тортилган гуруҳлар фаолияти, олинган натижалар ва хулосалар жадваллар, расмлар ва шкалалар воситасида ўрганилиб, таҳлил қилиб борилди.

Ўтказилган тажриба-тадқиқот натижалари бу жараённинг бошида ва охирида талабаларнинг тарбияланганлик даражаларида сон ва сифат микдорларида ўсиш содир бўлганлигини кўрсатди:

7-жадвал.

Тажриба-тадқиқот боши ва охирида талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари сифати даражалари бўйича ўзгаришлар

Даражалар	Тажриба-синов гуруҳлари (248 талаба)		Назорат гуруҳлари (248 талаба)	
	Бошида	Охирида	Бошида	Охирида
Юқори	24,2%	57,1%	23,8%	25,9%
Ўрта	45,1%	37,3%	44,9%	48,4%
Паст	30,7%	5,6%	31,3%	25,7%

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 496 нафар талабалар қатнашди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳи талабалари маънавий-ахлоқий муносабатларининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадваллар асосида тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Юқоридаги жадвалдан тажрибадан олдинги тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

8-жадвал


Талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ўзлаштириш натижалари

Муддати	Гуруҳлар	Талаба-лар сони	МAM даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	248	60	111	77
	Назорат гуруҳи	248	59	110	79
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	248	145	94	9
	Назорат гуруҳи	248	62	120	66


Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

\bar{x}	\bar{y}	s_x^2	s_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
1,93	1,92	Тажриба бошида самарадорликка эришилмаган								
2,54	1,98	0,3284	0,5196	1	2	9,66	462,4	79,75	0,07	0,09

Бу танланмаларга мос келган диаграмма куйидагича кўринишни олади:



5-расм. Тажриба бошида



6-расм. Тажриба якунида

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 2,54$; $\bar{Y} = 1,98$ $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,54 - 0,07}{1,98 + 0,09} = \frac{2,47}{2,07} = 1,19 > 1;$$

$$K_{доб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,54 - 0,07) - (1,98 - 0,09) = 2,47 - 1,91 = 0,56 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

«Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга доир давлат сиёсати мамлакатнинг умуминсоний маънавий ҳамжамиятига интеграциялашуви вазифасидан келиб чиқиб, барча жабҳаларда ўз тенгдошлари билан рақобатга қодир бўлган етук шахсларни тарбиялашни талаб этади. Миллий мафкурамизнинг ижтимоий ҳамкорлик ғоясини тушуниш, тушунтириш ва амалга оширилиши педагогика фанига таянади. Шунинг учун маънавий-ахлоқий муносабатларга интегратив илмий-амалий йўналиш сифатида ёндашиш долзарб илмий-амалий заруратга айланди.

2. Интеграл, яхлит ёндашув ўзининг узоқ миллий педагогик тарихига эга. «Авесто»да инсон фазилатлари туркуми бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва бири бирини тақозо этувчи «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» бирлигида намоён бўлади. Шу сабабли «Авесто»

инсон маънавий такомилнинг жамият ва табиатга нисбатан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигининг узвий боғлиқлигини ўзида мужассам этган, интеграл педагогиканинг асосий принципларини ўзида мужассам этади.

3. Маънавий-ахлоқий муносабатлар манбаи сифатида Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф ҳамда шариат қўлланмалари улкан аҳамият касб этади. Зеро, Ислом дини ва унинг асосий манбаи ҳисобланган. Қуръоннинг тарбиявий моҳияти ҳақида дидактик адабиётлар мавжуд бўлиб, улар ўзида интеграл педагогик таълимий, тарбиявий жиҳатларига инсонни маънавий камолотга етказиш масалаларини яхлит таҳлил этишда бой тарихий манбани ташкил этади.

4. Глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий коммуникатив қобилиятлари биринчи планга чиқади. Ушбу сифатлар талаба шахси имкониятлари ва эҳтиёжларини бирликда ҳамда яхлитликда шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи яхлит педагогик жараёнда шаклланади ва ривожланиб, уларнинг заминида шахснинг ижтимоий интеграциялашуви кечади ва талабаларни жипслаштириш бўйича бир тизимда тарбиявий ишлар олиб борилаётган гуруҳларда ИК кўрсаткичлари ошади.

5. Ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларининг тарбиявий мақсадлари таҳлили уларнинг ўзига хосликлари ва эътиборли жиҳатлари, ушбу тарбия тизимлари ривожининг асосий тенденциялари, мақсадли йўналишлари ва фаолиятининг ташкилий тарбиявий асосларини аниқлашга ёрдам берди. Солиштирма таҳлил чоғида ушбу тарбия тизимларининг бозор иқтисодиёти шароитида маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантиришнинг фазилатлар педагогикасига хос жиҳатлари аниқланди. Ривожланган мамлакатлар педагогикасининг бу борадаги илмий-услубий тажрибаси ютуқларидан Ўзбекистон олий таълим тизимида талабалар тарбиясида миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6. Олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантиришда аниқ педагогик тизимли мақсадга эга бўлиш, интеграл диагностик ёндошиш, зарур ташкилий-педагогик шароит яратиш, технологик ва методик такомиллаштиришда аниқ мақсад, тамойиллар, мезонлар, мақбул технология ва техникага эга бўлиш кутилган идентив натижаларни олишга хизмат қилади.

7. Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимида интеграл дианостикани жорий этиш бўйича муаллифлик ёндашуви асосида талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини интеграл педагогик назорат қилишнинг назарий модели ишлаб чиқилди ва унинг самарадорлиги тажриба-синов ишларида тасдиқланди.

8. «Устоз-шогирд», тьюторлик фаолиятида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини вертикал ва горизонтал интеграция тамойили асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ва бунда мотивацион, шакллантирувчи, ижтимоийлаштирувчи, ўзини такомиллаштирувчи ва ўзини баҳолаш босқичларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

9. Талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини ривожлантириш ва бунда педагогик тизим ресурсларидан самарали фойдаланишда:

- талабаларга маънавий-ахлоқий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва педагогик фаолиятдаги ролини доимий равишда тушунтириб бориш;

- талабаларни ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг бой маънавий-ахлоқий мероси, халқ оғзаки ижоди, миллий тарбия, маънавий-ахлоқий кадриятлар билан кенг таништириш;

- маънавий-ахлоқий тарбия тизими субъектларини академик гуруҳ, олий таълим муассасаси маънавий муҳитини соғломлаштириш методлари билан қуроллантириш; улар учун «Академик гуруҳларда маънавий-ахлоқий муносабатларни такомиллаштириш технологиялари», «Маънавий-ахлоқий тарбиянинг илғор тажрибалари», «Талаба маънавияти» курсларини жорий қилиш самарали бўлиши ўз тасдиғини топди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.58.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, УРГЕНЧСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И
ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА**

АЗИМОВА ЗИЁДА ЭРГАШЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ
НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЛЬНОЙ ДИАГНОСТИКИ
(на примере высших образовательных учреждений)**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений
(педагогические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Нукус – 2018

Тема диссертации доктора педагогических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.DSc/Ped41.

Диссертация выполнена в республиканском центре духовности и просветительства.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ndfi.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Официальные оппоненты:

Тайлаков Норбек Исакулович
доктор педагогических наук, профессор

Утебаев Тажибай Тилеумуратович
доктор педагогических наук

Рахимов Бахтиёр Худайбердиевич
доктор педагогических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании научного совета DSc.28.12.2017.Ped.58.01 по присуждению научных степеней при Нукуском государственном педагогическом институте, Каракалпакском государственном университете, Ургенчском государственном университете. (Адрес: город Нукус, улица П.Сейтова, дом без номера). Тел.: (9986) 222-65-40; факс: (9986) 222-65-46; e-mail: nkspi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукуского государственного педагогического института (Зарегистрирована за №__). Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом без номера. Тел.: (9986) 255-65-10; факс: (99861) 256-65-46.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года)

К.К.Оразымбетов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.н.

И.К.Пирниязов

Ученый секретарь Научного Совета по присуждению ученой степени доктора наук, к.п.н. доцент

Т.Т.Утебаев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.п.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Модели высшего педагогического образования развитых стран мира, цели и задачи отличаются с концептуальной точки зрения, что определяется историческими условиями и задачами на перспективу, особенностями национального и културного образа жизни в каждом государстве. На современном этапе развития человечества все более возрастает значение духовно-нравственного воспитания граждан, и в частности студенческой молодежи.

В мире уделяется большое внимание эффективной организации научно-исследовательских работ по совершенствованию системы воспитательных работ на интегрально-диагностической основе. Особую актуальность приобретают такие проблемы, как формирование у студенческой молодежи жизненно важных социальных умений, разработки вспомогательной компьютерной системы и виртуальных образовательных технологий развития духовной культуры студентов.

В нашей стране в результате последовательных реформ в сфере воспитания физически здоровой, психически и интеллектуально развитой, преданной Родине молодежи достигаются эффективные результаты в повышении социальной активности молодежи, в совместной деятельности молодежных и иных организаций. Наряду с положительными результатами проделанной работы, на сегодняшний день существует необходимость совершенствования воспитательной работы в высших образовательных учреждениях, укрепления её методического обеспечения. В стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определено направление «духовно-нравственное возвышение молодежи»¹, в данном направлении особое значение приобретает развитие духовно-нравственных отношений студентов посредством интегральной. Проблемы, связанные с сознательной активностью молодежи, имеющие место в деятельности, направленной на духовно-моральное возвышение молодежи, определяют необходимость совершенствования механизмов развития духовно-нравственных отношений студентов на основе международного опыта, уточнения перечня интегральных педагогических показателей, определяющих уровень духовной среды в студенческих коллективах, разработки социометрических шкал и интегрально-диагностических параметров, позволяющих оценить уровни проявления духовно-нравственных отношений. Данный подход, способствует поднятию на новый уровень качество и эффективность духовно-просветительской работы, чем и определяет актуальность темы настоящей диссертации.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70,

2017 года №УП-4947 «О Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»; постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» и №ПП-3160 от 28 июля 2017 года «О повышении эффективности духовно-просветительской работы, поднятии на новый уровень развитие сферы», а также в ряде других, касающихся этой деятельности нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации². Исследования в области внедрения интегральной диагностики в воспитательную практику; теории, методики, технологий духовно-пропагандистской работы; совершенствования системы воспитательной работы в высших образовательных учреждениях; формирования необходимых для общества социальных качеств молодежи; развитию правовой культуры ведутся в ведущих высших образовательных учреждениях и научных центрах мира, в том числе в Canadian Centre for Policy Alternatives (Канада), Чунангский университет (Южная Корея), университет Мияги (Япония), Chiefly Research Centre (США), Shalem Centre (Израиль), Ташкентский государственный педагогический университет, Республиканский центр духовности и просветительства (Узбекистан).

В результате, проводимых в мире, исследований в области совершенствования системы воспитательной работы в высших образовательных учреждениях получен ряд научных результатов, в частности, разработана технология повышения гражданской культуры студенческой молодежи (Centre for Policy Alternatives. Канада); созданы проектно-конструктивные технологии развития духовности студентов (Чунангский университет. Южная Корея); разработаны технологии изучения норм поведения примерного гражданина, технологии нейролингвистического

² Данная часть подготовлена на основе таких источников, как Charles Lister. The Free Syrian Army: A decentralized insurgent brand. The Brookings Project on U.S. Relations with the Islamic World. Analysis Paper | No. 26, November 2016. Darrell M. West. Megachange.Economic Disruption, Political Upheaval, and Social Strife in the 21st Century. Brookings Institution Press, October 18, 2016. Martha Crenshaw, Gary LaFree. Countering Terrorism.Brookings Institution Press, 2016.Bruce Hoffman. Inside Terrorism. Revised and Expanded Edition. Columbia University Press. 2006. 227-285.Seth G. Jones. Hunting in the Shadows. The Pursuit of Al Qa'ida Since 9/11. W. W. Norton & Company, Inc. 2012. 300-305.Seth G. Jones.Waging Insurgent Warfare. Lessons From the Vietcong to the Islamic State. Oxford University Press. 2016. 333-347.Yonah Jermy Bob. Security expert: Pressure social media to block terrorist incitement. The Jerusalem Post. November 17, 2016. Gabi Sibon. Confronting Spontaneous Terrorist Attacks INSS Insight.No. 667, February 24, 2015.Gabi Siboni.The Impact of Cyberspace on Asymmetric Conflict in the Middle East.The Georgetown Journal of International Affairs. April 29, 2015.Carnegie Council on Adolescent Development. Great transitions: Preparing adolescents for a new century. New York: Carnegie Council of New York.Patterson G.R., DeBaryshe B.D., Ramsey E. A developmental perspective on antisocial behavior.AmericanPsychologist. 44, 329-335.

программирования формирования духовности студентов (университет Мияги. Япония), создан комплекс специальных тренинговых методик повышения правовой культуры молодежи в образовательных учреждениях (Chiefly Research Centre. США); концепция сохранения суверенитета, стабильности, целостности государства основываясь на национальных ценностях общества (Shalem Centre. Израиль), разработана воспитательная технология формирования высоко нравственной личности (Ташкентский государственный педагогический университет), технологии повышения эффективности формирования здорового религиозного убеждения молодежи на основе наследия предков, укрепления идеологического иммунитета в формировании высоких духовно-моральных качеств, воспитания молодежи в духе национальной идеи (Республиканский центр духовности и просветительства).

В мире осуществляются научные исследования по совершенствованию воспитания студентов, в частности по следующим приоритетным направлениям: определение, устранение негативных тенденций через констатацию результативности воспитательной деятельности и повышение её эффективности в высших образовательных учреждениях; совершенствование технологий нейролингвистического программирования в воспитательном процессе; формирование нравственной культуры молодежи; совершенствование механизмов развития духовной культуры студентов; повышение эффективности духовно-просветительской работы среди студентов на основе педагогических технологий.

Степень изученности проблемы. Теоретические, общественно-политические, философские, идеологические и социологические аспекты воспитания студенческой молодежи исследованы такими учеными, как М.Липман, А.Азизходжаев, У.Алеуов, А.С.Ачилдиев, М.Бекмуродов, М.Жакбаров, М.Каххорова, Г.Ж.Туленова, М.Куронов, О.Мусурмонова, У.Махкамов, З.Косимова, К.Куранбоев, Г.И.Махмутова, Б.Ходжаев, Т.Утебаев³ и др.

Н.В.Браун, С.Кэган, Ю.К. Александров, С.Г.Кара-Мурза, А.А.Зиновьев, С.А.Зелинский, С.Л. Рубинштейн, А.Маслоу, А.А.Леонтьев, М.Г.Давлетшин, Э.Г.Гозиев, В.Каримова, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафаев, А.А.Реан, Я.Л.Коломинский, О.И.Петрич, Б.Р.Адизов, У.Ш.Бегимкулов, О.Р.Жамолдинова, С.Юлдошева, К.Ю. Киличева, С.Нишонова, Б.Х.Рахимов, Д.Рузиева, З.Салиева, З.Х.Косимова, Ж.Тошматова, Н.М.Эгамбердиева, Н.Ш.Эркабоева, Ш.С.Шодмонова, Ш.С.Шарипов, У.К.Толипов,

³Lipman Matyew. Philosophy goes to school. – Philadelphia: Temple University Press, 1998. – 140 p.; Matyew Gareth. Philosophy and the young child. – Cambridge: Harvard Temple University Press, 1998. – 210 p. Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б. /Элеўов Ё, Ётебаев Т. Қарақалпақстанда педагогика илиминиң қәлиплесиўи хәм раўажланыўы. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2007. – 128 б., Ачилдиев А.С. Проблема взаимодействия национального самосознания и национальной культуры: Автореф... канд. филос. наук. – Т., 1994. – 22 с. / Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Т.: КО'НИ-NUR, 2011. – 95 б. Жакбаров М. Комил инсон ғояси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – 32 б. Қаххорова М. Мафкуравий муҳит ва ахлоқ. – Тошкент: Фан, 2009. – 100б. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 317 б.

М.Усмонбоева, М.Б.Уразова⁴ и др. изучали вопросы диагностики воспитанности студенческой молодежи, межличностных отношений в молодежных группах, педагогические и психологические аспекты воспитания.

В XXI веке, в период оперативного обновления информации формирование духовно-нравственных качеств студентов высших образовательных учреждений Узбекистана – задача чрезвычайно важная и сложная. До настоящего времени вопросы эффективности воспитательной работы в высших образовательных учреждениях не были научно исследованы с точки зрения интегральной диагностики.

